

## ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ИНТЕГРАЦИОН ЎҚИТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Ташпулатова Дилором Мукимовна*

*ЧДПУ ўқитувчиси*

**Аннотация:** мақолада халқаро таълим дастурлари асосида ўқув фанларини интеграцион ўқитиш механизмлари тўғрисида фикр юритилган.

**Аннотация:** в статье размышлено о механизмы интеграционное обучение предметов на основах международное образовательное программам.

**Abstract:** the articles reflect on the mechanisms of integrative teaching of subjects on the basis of international educational programs.

**Калит сўзлар:** таълим, интеграция, ўқитиш, фан, халқаро, дастур, билим, кўникма.

**Ключевые слова:** образование, интеграция, обучение, предмет, международное, программа, знание, навыка.

**Key words:** education, integration, training, subject, international, program, knowledge, skill.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўқув жараёни ва илмий тадқиқотларда TIMSS ва STEAM каби халқаро таълим дастурларидан изчил фойдаланиш вазифаси кўйилган[1]. Шу маънода бошланғич таълим ўқув фанларини *халқаро дастурлардан* фойдаланиб ўқитиш интеграциясининг назарий масалаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки халқаро таълим дастурлари мамлакатимизда ўқув фанларини кучайтирилган тарзда ўқитишда муҳим омил ҳисобланади.

**Асосий қисм.** *Бошланғич таълим ўқув фанларини TIMSS халқаро таълим дастуридан фойдаланиб ўқитиш*[2]. Мазкур халқаро таълим дастури 1995 йилда амалга киритилган бўлиб, 4 ва 8-синф ўқувчиларининг таббий ва математик фанлар бўйича билимларини мониторинг қилади. Унинг тўлиқ номи қуйидагича:

TIMSS халқаро таълим дастури бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун қуйидаги тайёргарлик босқичларини амалга ошириш керак бўлади:

- 1) умумий ўрта таълим мактабларини танлаш;
- 2) ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси бошланғич синф ўқитувчилари, мактаб жамоаси вакили, мактаб психологи ва тақлиф этилган мутахассисдан иборат Гуруҳ тузиш;

3) тузилган Гуруҳ учун кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида мазкур халқаро таълим дастурлари асослари бўйича малака бериш;

4) ташхис этиш учун ушбу халқаро баҳолаш дастурлари асосида махсус тест тузиш;

5) ўрганиш ишларини амалга ошириш учун техник ва технологик тайёргарликларни кўриш;

6) ўқувчиларни тестга тайёрлаш.

Бундай тайёргарлик босқичи мазкур халқаро таълим дастурлари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ишини амалга ошириш кенг имкониятларни беради.

Гуруҳ танланган ўқувчилар ўртасида махсус тузилган тест асосида қуйидагича ўрганиш ишини амалга оширади:

1) махсус жиҳозланган синфда тестни ўтказиш;

2) тест жараёни учун етарли вақт бериш;

3) тест жараёнида ўқувчиларнинг ишлашини кузатиш;

4) ўқувчиларнинг эркин ишлаши учун имконият бериш;

5) тест жараёнида ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериш;

6) тест жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириб туриш.

Ўрганиш ишини бундай амалга ошириш қутилган самарани беради ва тест давомида кенг маълумот олиш имкониятига эга бўлинади.

Ўтказилган тест натижалари қуйидагича таҳлил этилади:

1) тест саволларига берилган тўғри жавобларни аниқлаш ва уларни фоизда кўрсатиш;

2) жавоблар асосида ўқувчиларнинг математик саводхонлиги ва табиий фанлар бўйича билимдонлик даражасини аниқлаш;

3) тўғри жавоблар асосида ўқувчиларнинг фикрлаш, ижодий ёндашиш ва билим даражасини баҳолаш;

4) жавоблар натижасига кўра ҳар бир иштирокчи ўқувчининг билим, кўникма ва малакасини баҳолаш;

5) нотўғри жавоблар натижасига кўра ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

6) тестда муваффақиятли иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантириш.

Ўрганиш ишини бундай амалга ошириш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг даражаси бўйича муҳим маълумотларни беради.

Гуруҳ тест маълумотлари асосида қуйидаги ишларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади:

1) ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўитувчи ва ўқувчиларга тақдим этиш;

2) маълумотларни мактаб Педагогик кенгашида муҳокама қилиш;

3) ўрганиш натижалари асосида ишлаб чиқилган Тавсияларни амалга ошириш чора-тадбирларини Педагогик кенгашда белгилаш;


4) ўрганиш натижалари бўйича Маълумотномани Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш;

5) бундай ўрганиш ишининг навбатдагисини амалга ошириш Режасини ишлаб чиқиш;

6) мазкур халқаро таълим дастурлари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш бўйича ўрганиш ишини мунтазам ўтказиб боришни белгилаш.

Бундай ўрганиш таҳлилини амалга ошириш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Эътибор берилса, мазкур методикага асосан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўрганиш қулай ҳисобланади. Шу жиҳатдан ушбу методиканинг тузилмасига эътибор беринг:



1-расм. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида ташхис этиш методикаси

Мазкур халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг масофавий шакл асосида билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишнинг имконияти ҳам мавжуд. Бунинг учун компьютер воситасида ташхис этиш тести ўқувчиларга тақдим этилади ва ташхиз этиш иши масофадан туриб онлайн тарзда амалга

оширилади. Ташхис этишга доир барча ишлар ва унинг натижалари онлайн тарзда амалга оширилади.

Зеро, TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малакаларини ташхис этиш методикаси ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан диққатни тортади. Биз мазкур методикани шакллантиришда қуйидаги тамойилларга асосландик:

- 1) TIMSS халқаро баҳолаш дастури мазмунига ҳисобга олиш;
- 2) қулайлик;
- 3) осонлик;
- 4) оддийлик.

Бу тамойиллар тақдим этилган методиканинг шаклланишида асос бўлди. Шу сабабли ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини халқаро баҳолаш дастурлари асосида ташхис этиш масаласида биз энг қулай методикага таяниш тарафдоримиз.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда TIMSS халқаро баҳолаш дастуридан фойдаланиш кутилган самарани беради. Бунинг учун қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:


- 1) халқаро баҳолаш дастури бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиб бориш;
- 2) халқаро баҳолаш дастури бўйича мутахассисларнинг тавсияларини ўрганиб бориш;
- 3) халқаро баҳолаш дастури бўйича умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг тажрибаларини ошириб бориш;
- 4) олий таълим муассасаларида ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида махсус курслар ташкил этиш;
- 5) халқаро баҳолаш дастури бўйича малакали ўқитувчиларнинг тажрибаларини оммалаштириб бориш.

Буларга амал қилиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини халқаро дастурлар асосида ташхис этиш методикасини такомиллаштириб боришга таянч бўлади.

Шундай қилиб ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини халқаро баҳолаш дастури асосида ташхис этишнинг анъанавий методикаси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Тақдим этилган анъанавий методика тизимлилиги, осонлиги ва оммавийлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малакаларини ташхис этишда мазкур анъанавий методикадан фойдаланиш кутилган самарани беради, деган фикрдамиз. Чунки бундай анъанавий методлар кўпчилликка маъқул эканлиги билан педагогик жараёнда муҳим ўрин тутади.

Компьютерли таълим методи мазкур техник воситанинг дастури асосида ишлаб чиқилади ва виртуал таълим жараёнини амалга оширишда қўл келади. Бу ўринда эътиборингизни STEAM халқаро баҳолаш дастуридан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишнинг биз томонимиздан шакллантирилган *компьютерли методикасига* тортаминиз[3].

Мазкур метод компьютерли дастур асосида шакллантирилади. Ушбу компьютерли методиканинг тузилмасига эътибор беринг:



2-расм. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишнинг компьютерли методикаси

Мазкур компьютерли методикадан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида ташхис этиш самарали ҳисобланади. Бу компьютерли методиканинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

- 1) методика тавсифи компьютер дастурига киритилган;
- 2) ўқувчиларнинг билим даражасини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида аниқлашнинг мезонлари *блокида* қуйидагилар белгиланган:
  - а) ўқувчининг ўқув фанларига қизиқиш даражаси;
  - б) ўқувчининг табиий фанлар, технология фани, санъат фанлари ва математика фани мавзуларини ўзлаштириш даражаси;
  - в) ўқувчининг мазкур фанларни ўзлаштиришда дуч келадиган муаммолар;
  - г) ўқувчининг дуч келган муаммоларини ҳал этиш бўйича тавсиялар.
- 3) ўқувчиларнинг кўникма даражасини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида аниқлашнинг мезонлари *блокида* қуйидагилар тақдим этилган:

а) ўқувчининг табиий фанлар, технология фани, санъат фанлари ва математика фани мавзуларини тушуниш даражаси;

б) мазкур фанлар бўйича ўқувчининг мустақил фикрлаш даражаси;

в) ушбу фанларни ўзлаштиришда ўқувчининг мустақил ҳаракат қилиш даражаси;

г) ўқувчи бу фанларни ўзлаштиришда дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар.

4) ўқувчиларнинг малака даражасини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида аниқлашнинг мезонлари *блокида* қуйидагилар белгиланган:

а) ўқувчининг табиий фанлар, технология фани, санъат фанлари ва математика фани бўйича ўзгалар билан ҳамкорлик қила олиш даражаси;

б) бу фанлар бўйича ўқувчининг мустақил изланиш даражаси;

в) ўқувчининг мазкур фанлар бўйича ўқитувчилар билан алоқадорлик даражаси;

г) ушбу фанлар бўйича ўқувчининг ўзлаштирган кўникмасини амалиётда қўллай олиш даражаси.

5) ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида аниқланган муаммолар бўйича тавсиялар *блокида* қуйидагилар тақдим этилган:

а) ҳар бир паст кўрсаткичли ўқувчилар билан ишлаш;

б) юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малака даражасини янада ўстириб бориш;

в) табиий фанлар, технология фани, санъат фанлари ва математика фани бўйича ўқувчиларга қўшимча ўқув материаллари тақдим этиб блриш;

г) ушбу фанлар бўйича тажрибали ўқитувчиларнинг индивидуал услубларини ўрганиб бориш.

б) мазкур компьютерли методиканинг ўқув фанлари ўқитувчилари *блокида* қуйидаги тавсиялар берилган:

а) ташхис натижалари тўғрисидаги Маълумотномани ўқувчилар билан муҳокама қилиш;

б) ташхис натижалари тўғрисидаги Маълумотномада билим, кўникма ва малака даражаси юқори бўлган ўқувчиларни рағбатлантириш;

в) ташхис натижалари тўғрисидаги Маълумотномада билим, кўникма ва малака даражаси талаб кўрсаткичидан паст ўқувчилар билан ишлаш Режасини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

г) ташхис натижалари тўғрисидаги Маълумотномада тақдим этилган Тавсияларнинг ижросини таъминлаш.

7) ушбу компьютерли методиканинг Синф раҳбарлари *блокида* қуйидаги тавсиялар тақдим этилган:

а) ташхис натижалари тўғрисидаги Маълумотномани чуқур ўрганиш;

б) ўқув фанлари ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малака даражаси бўйича паст кўрсаткичли ўқувчилар билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

в) ҳар чоракда мазкур ишлар бўйича таҳлил ўтказиш;

г) амалга оширилаётган ишлар жараёни тўғрисида мактаб Педагогик кенгашига маълумот бериб бориш.

8) мазкур компьютерли методиканинг мактаб Педагогик кенгаши блокада қуйидаги тавсиялар берилган:

а) ташхис этиш бўйича олинган Маълумотномани муҳокама қилиш;

б) ташхис этиш натижасида аниқланган паст кўрсаткичли ўқувчилар билан ишлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўқув фанлари ўқитувчилари ҳамда Синф раҳбарларига тақдим этиш;

в) паст кўрсаткичли ўқувчилар билан ишлаш жараёни тўғрисида маълумотномалар олиб бориш;

г) навбатдаги ташхис этиш муддатини белгилаш.

9) ташхис этишни амалга оширувчи Гуруҳ блокада ушбу компьютерли методикадан фойдаланиш механизмлари тақдим этилган.

Ушбу компьютерли методикадан фойдаланиш механизмлари қуйидагилардан иборат:

- бу методика компьютер дастурида жойлаштирилга ва ундан масофавий шаклда фойдаланиш мўлжалланган;

- STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида тест тузиш учун қуйидаги талаблар мазкур компьютерли методиканинг ишчи Гуруҳ блокада киритилган:

1) ўқувчининг фаол муносабатга киришиш даражаси;

2) ҳамкорлик қила олиш даражаси;

3) фаоллик даражаси.

- ишчи Гуруҳ мазкур талаблар асосида ташхис этиш тест саволномасини ишлаб чиқади;

- ишчи Гуруҳ тест саволномасини компьютер воситасида виртуал тарзда ўқувчиларга тақдим этади ва жавоблар учун вақт муддатини белгилайди;

- ўқувчилар тақдим этган жавобларни ишчи Гуруҳ қабул қилиб, таҳлил этади ва ташхис этиш натижалари тўғрисида Маълумотнома тайёрлайди;

- ишчи Гуруҳ томонидан тайёрланадиган Маълумотномада юқори ва паст кўрсаткичли ўқувчилар аниқланиши, кўрсаткичлар фоизларда акс этиши ҳамда паст кўрсаткичли ўқувчилар билан индивидуал ишлаш бўйича Тавсиялар акс этиши керак;

- ишчи Гуруҳ ташхис этиш натижалари бўйича тайёрланган Маълумотномани мактаб Педагогик кенгашига тақдим этади.

Мазкур компьютерли методикадан фойдаланишда ташхис этиш ишчи Гуруҳи STEAM халқаро баҳолаш дастурининг қуйидаги талабларига риоя этиши тавсия этилади:

1) табиий фанлар, технология фани, санъат фанлари ва математика фанларини интеграл шаклида ўқитишга эътибор бериш;

2) мазкур ўқув фанларини ўқитишда кўпроқ ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйиш;

3) ушбу ўқув фанлари бўйича ўқувчиларнинг мустақил изланишини ташкил этиш;

4) бу ўқув фанларини ўқитишда замонавий ахборот-коммуникацион технологияларга асосланиш.

Буларнинг барчаси ташхис этиш ишчи Гуруҳининг мазкур компьютерли методикадан фойдаланишда қулайлик юзага келтиради.

STEAM халқаро таълим дастури табиий ва санъат фанларини уйғун ўқитишга асосланган. Шу сабабли мазкур халқаро баҳолаш дастуридан фойдаланишда табиий ва санъат фанларини уйғун ўқитиш бўйича муҳим педагогик қарашларга эга бўлган мутафаккирлар ижодидан ҳам хабардор бўлиш тақозо этилади. Мисол учун, Европа мамлакатлари ва АҚШнинг таълим муассасаларида STEAM халқаро таълим дастурига асосан таълим беришда Леонардо да Винчи (XVIII аср) ва Карл Юнгнинг (XX аср) табиий ва санъат фанларини уйғун ўқитишга доир қарашларидан кенг фойдаланади. Шу жиҳатдан миллий педагогикамиз тарихида Абу Али Ибн Сино (980-1037) “Тиб қонунлари” ва “Донишнома” асарларида болаларга табиий ва санъат фанларини уйғун ўқитишга доир муҳим қарашларни баён қилиб ўтганлигини эслатиб ўтиш жоиз[4]. Мисол учун, бу борада мутафаккир қуйидагиларни баён қилиб ўтган:

- 1) тиббиёт, кимё, математика, мусиқа, мантик, доришунослик фанлари бўйича болага албатта тушунча бериш;
- 2) бу фанлар бўйича боланинг лаёқатини шакллантириш;
- 3) мазкур фанлар бўйича мустақил изланишга болани кўниктириш;
- 4) бу фанлар бўйича боланинг мустақил фикрини шакллантириш.

Эътибор берилса, бу тавсиялар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Шу сабабли умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган Математика, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, Ботаника, Мусиқа маданияти, Зоология, Анатомика, Биология, Физика, Геометрия фанлари дарсликларида Абу Али Ибн Сино каби мутафаккирларимизнинг табиий ва санъат фанларини уйғун ўқитишга доир қарашлари ҳамда тавсиялари акс этиши мақсадга мувофиқ бўлади. STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишнинг компьютерли методикасидан фойдаланишда ана шу масалаларга ҳам диққат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Шундай қилиб мазкур компьютерли методика масофавий таълим шароитида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида ташхис этишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Хулоса.** Биз томонимиздан таҳлил этилган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда TIMSS халқаро баҳолаш дастуридан фойдаланишнинг анъанавий методикаси ҳамда STEAM халқаро баҳолаш дастури асосида ташхис этишнинг компьютерли методикаси ана шу мақсадда тақдим қилинди. Айни пайтда, ушбу халқаро дастурларидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда уйғун фойдаланишга мўлжалланган *индивидуал методика* таҳлилига эътиборингизни тортамыз.

Бизнинг ёндашувимизга кўра, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда TIMSS ва STEAM халқаро баҳолаш дастурларидан уйғун фойдаланиш янада самарали бўлади. Чунки бундай ёндашув ўқувчиларнинг ўзлаштириш имкониятлари тўғрисида батафсилроқ маълумот олиш ҳамда улар билан индивидуал ишлаш режаларини белгилашда қўл келади. Бунинг учун мазкур халқаро баҳолаш дастурларининг энг муҳим тамойиллари



ташхис этиш тест саволларида акс этиши керак. Шу сабабли биз томонимиздан шакллантирилган қуйидаги индивидуал методика тузилмасига эътибор беринг:



3-расм. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини TIMSS ва STEAM халқаро таълим дастурларидан уйғун фойдаланган ҳолда ўрганишнинг индивидуал методикаси

Этибор берилса, мазкур методикада куйидаги тамойилларга асосланилган:

- 1) халқаро баҳолаш дастурларининг энг муҳим мезонлари олинган;
- 2) мазкур мезонлар бўйича ишчи Гуруҳ томонидан тест саволлари ишлаб чиқиш тавсия этилган;
- 3) ишчи Гуруҳ томонидан ташхис этиш натижаларининг таҳлил қилиниши ва тавсиялар ишлаб чиқилиши тақдим қилинган.

Ушбу умумлаштирилган индивидуал методика асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш билан куйидаги имкониятларга эга бўлинади:

- а) ҳар бир ўқувчининг математик саводхонлиги бўйича аниқ маълумотга эга бўлиш;
- б) ҳар бир ўқувчининг табиий фанларни ўзлаштириши бўйича ахборот олиш;
- в) ҳар бир ўқувчининг тафаккур даражасини аниқлаш;
- г) ўқувчининг ижодий фикрлаш даражасини ўрганиш;
- д) ўқувчининг фаоллик даражаси бўйича маълумотга эга бўлиш;
- е) ўқувчининг коммуникативлик (муносабатга кириша олиш) кўникмасини аниқлаш;
- ё) ўқувчининг ҳамкорлик кўникмаси даражаси бўйича ахборот олиш;
- ж) ўқувчининг мустақил фикрлаш даражасини аниқлаш.

Бу мезонлар бўйича маълумотга эга бўлиш ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш йўналишларини белгилашда кўл келади. Шу сабабли халқаро баҳолаш дастурлари уйғунлигида ишлаб чиқилган ушбу индивидуал методикадан фойдаланиш тавсия этилади.

TIMSS ва STEAM халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш билан куйидаги имкониятларга эга бўлинишини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган ўқув фанлари дарсликларини такомиллаштириб бориш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқувчиларга қўшимча ўқув материаллари тақдим этиб блоиш;
- ўқувчиларнинг ҳар бир фан бўйича билимларини чуқурлаштириш;
- ўқувчиларнинг табиий ва илмий тушунчаларини мунтазам бойитиб бориш;
- аниқ, табиий ва гуманитар фанлар бўйича ўқитишнинг синфдан ташқари шакллари имкониятларидан кенг фойдаланиш;
- ўқувчиларни фаоллаштириш ва уларни ўзлаштирган билим, кўникма ҳамда малакаларидан амалий фойдалана олишга ўргатиш.

Шу сабабли халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этишда қулай, осон ва қизиқарли методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб халқаро таълим дастурлари асосида ўқув фанларини интеграцион ўқитиш имкониятлари кенг бўлиб, бу имкониятлар ўқитиш сифатига эришишда қўл келади.

#### *Адабиётлар:*

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //www.ziyounet.uz.
2. Международная образовательная программа TEMIS. //www.ziyounet.uz.
3. Международная образовательная программа STEAM. //www.ziyounet.uz.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари.4-жилд.-Тошкент, 1995